

**«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30/30.11.2021.Т.141.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОШБЕКОВ ОДИЛ АБДУЛЛАЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ДАҒАЛ ЖУН ТОЛАСИ АСОСИДА НОТЎҚИМА  
МАТОЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга  
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Тошбеков Одил Абдуллаевич**

Маҳаллий дағал жун толаси асосида нотўқима матолар олиш  
технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Тошбеков Одил Абдуллаевич**

Разработка технологии получения нетканых материалов на основе  
местного грубошерстного волокна..... 21

**Toshbekov Odil Abdullayevich**

Development of nonwoven fabric production technology based on local  
coarse wool fiber..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**«ПАХТАСANOAT ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30/30.11.2021.Т.141.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОШБЕКОВ ОДИЛ АБДУЛЛАЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ДАҒАЛ ЖУН ТОЛАСИ АСОСИДА НОТЎҚИМА  
МАТОЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга  
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида В2022.4.PhD/T3342 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) «Пахтасаноат  
илмий маркази» АЖ ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-сайтида ([www.paxtasanoatilm.uz](http://www.paxtasanoatilm.uz)) ва  
«ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Урозов Мустафокул Қултўраевич**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий ошпонентлар:**

**Ҳоликов Қурбонали Мадаминович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Раҳматуллин Фаррух Фаридович**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон табиий тоғлар илмий тадқиқот  
институтини**

Диссертация ҳимояси «Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамияти ҳузуридаги  
DSc.30/30.11.2021.T.141.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «12» июнь соат 14<sup>00</sup> даги  
мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси 8-уй. Тел.:  
(+99871) 207-04-03; факс: (+99871) 256-04-21; e-mail: [info@paxtasanoatilm.uz](mailto:info@paxtasanoatilm.uz) («Пахтасаноат  
илмий маркази» акциядорлик жамияти биноси, 3-қават, мажлислар зали).

Диссертация иши билан «Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамияти Ахборот-  
ресурс марказида танишиш мумкин (руйхатдан ўтган 14-сон). Манзил: 100070, Тошкент ш.,  
Шота Руставели кўчаси 8-уй. Тел.: (+99871) 207-04-03.

Диссертация автореферати 2023 йил «02» июнь кунини тарқатилди.  
(2023 йил «02» июнь 14-рақамли реестр баённомаси).



**Т.М.Кулиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф

**М.Р.Мўминов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х

**Р.К.Джамолов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда табиий жун хомашёси тармоғи тобора кенгайиб бормоқда. Худудлардаги табиий хомашё манбалари, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, саноат соҳаларини жаъдал ривожлантириш орқали аҳолининг бандлиги, даромадлари, турмуш даражасини янада ошириш муҳим ҳисобланади. Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан тўқимачилик саноати кўллаб-қувватланаётгани туфайли мамлакатимизда юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи замонавий тўқимачилик корхоналари ташкил этиш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми ва халқаро стандартларга жавоб берадиган тўқимачилик маҳсулотлари экспорти барқарор ўсиб бориши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда жун толаларидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўқимачилик ва автомобиль саноатида иссиқликни ва шовқин ютишини изоляцияловчи, таннархи арзон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни оптимал параметрларини аниқлашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жун толасидан маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ундан истеъмолда унумли фойдаланиш, жунни дастлабки ишлаш корхоналари барпо этиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ўзининг маъно-мазмунини жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикаимизда жун толаларини қайта ишлаш саноатини ривожлантиришнинг қатор имкониятлари, географик ва иқтисодий омиллари мавжуд бўлиб, маҳаллий жун толаларини қайта ишлаш импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқиш, улардан кенг фойдаланиш ва самарадорлиги юқори бўлган техника ҳамда технологиялардан фойдаланиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сонли Фармонида “Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш орқали 2026 йилга бориб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш”<sup>1</sup> бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда чорвачилик

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

маҳсулотларига ихтисослашган корхоналарни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июлдаги ПҚ-5178 сонли “Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли Фармони ижроси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Жунни қайта ишлаш тозалаш, ювиш ва ундан тайёр маҳсулот олиш технологияси бўйича хорижда Хуан Қингсонг, Фан Хуеронг, Бахтияри М.И., Дуран К., Сидорсов В.И., Сердюков И.Г., Плеханов А.Ф., Липенков Я.Я., Аитова А.Н., Парсанов А.С., Николаенко Г.Р. ва бошқа олимлар шуғулланишган.

Жунни қайта ишлаш, йигириш технологияси, жун асосидаги матоларга якуний пардоз бериш, костюмбоп матолар, нотўқима матолар олиш технологияси ва муаммолари борасида илмий тадқиқотлар Набиева И.А., Кулметов М., Элмонов С.М., Юсупов С.А., Абдукаримова М.З., Хасанова М.Ш., Хамраев А.Л., Усманова Ш.АҚаюмов Ж.А., Назарова М.А., Исмоилов Ф.Б., Валиева З.Ф. ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар дағал жун толасини қайта ишлаш натижасида сифатли хомашё яратиш, нотўқима матолар олиш ва унинг физик кимёвий хоссаларини яхшилаш технологияларини назарий асосларини ишлаб чиқиш, технологик режимларини яратиш бўйича тадқиқотлар етарлича ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президент Администрациясининг 2021 йил 14 июлдаги 02-РА 1-9900-Сурхондарё вилоятини Термиз давлат университетининг 148-бандига асосан “Чорвачиликда етиштириладиган дағал жунларни кимёвий ва механик қайта ишлаш орқали тўқимачилик саноати учун сифатли майин ип ишлаб чиқариш” (2021-2022) мавзусидаги стартап-инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** маҳаллий дағал жун толасини тадқиқ қилиш асосида тўқимачилик ва автомобиль саноати учун сифатли мато ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

маҳаллий дағал жун толаларнинг хоссаларини тадқиқ қилиш;

маҳаллий дағал жунни механик қайта ишлаш орқали турли хил ифлосликлардан тозалаш;

кимёвий усулда ювиш орқали жун таркибидаги ёғсимон ва мумсимон моддалардан тозалаш ҳамда тўқимачилик ва автомобиль саноати учун муҳим хомашёга айлантириш;

нотўқима матоларининг қайишқлиги, қовушқоқ ҳамда пластик деформацияси таҳлили асосида дастлабки ишлов бериш жараёнини аниқлаш;

автомобил саноати учун техник жиҳатдан сифатли бўлган турли қалинликдаги нотўқима матолар олиш ва уни амалга ошириш технологиясини параметрларини асослаш;

**Тадқиқот объекти** баҳор ва куз мавсумларида қирқиб олинадиган маҳаллий қўй жунлари илмий тадқиқотнинг объекти сифатида танлаб олинган.

**Тадқиқот предмети** дағал қўй жунни титиш-тозалаш, ювиш ҳамда ундан техник жиҳатдан сифатли бўлган нотўқима материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш асосида физик-кимёвий ва механик хоссаларини яхшилаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида автомобиль саноати учун маҳаллий жун толасидан олинган нотўқима материалларнинг тузилиши, қалинлигини аниқлаш (TF-121), ишқаланишга чидамлилигини (M 235/3), овоз ютиш (EN 20354), ҳаво ўтказувчанлик (AP-360SM) хоссаларини таҳлил қилиш замонавий экспериментал тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий дағал жун толаларининг ингичкалиги, қалинлиги, штапель ва модал узунлик физик кимёвий хоссаларини ўрганиш орқали жун толаси сифатига дастлабки ишлов бериш жараёнларининг таъсири аниқланган;

дағал жун таркибидаги турли ифлосликлар ва ёғсимон моддаларни самарали усулда тозалаш технологияси орқали техник жиҳатдан сифатли майин толалардан автомобиль саноати учун нотўқима мато ишлаб чиқилган;

маҳаллий дағал жун толаларининг қайишқоқлиги, қовушқоқлиги ҳамда пластик деформацияси параметрларининг рационал қийматлари аниқланган;

олинган жун толасидан турли қалинликдаги нотўқима матонинг боғловчи сифатида табиий елимлардан фойдаланиш орқали маҳсулотнинг мустаҳкамлиги, ишқаланишга чидамлиги, ҳаво ўтказувчанлиги, узайиши, чўзилиши, овоз ютувчанлик хусусиятлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар асосида тўқимачилик корхоналари учун яроқли тола ишлаб чиқаришнинг моддий баланси, технологик схемалари ишлаб чиқилган;

жун толалари асосида янги нотўқима матолар ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёдан фойдаланишнинг илмий-амалий асослари ишлаб чиқилган;

автомобиллар учун олинган нотўқима матонинг ишқаланишга, овоз ютишга, ҳаво ўтказувчанликга чидамлилиги хоссасининг мақбул шароитлари аниқланган;

маҳаллий хомашё асосида янги нотўқима матолар олишнинг ресурс тежамкор технологиялари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган янги нотўқима матоларнинг ишқаланишга чидамлилиги асосланган хулосалар ва тавсиялар, юқори информацион, замонавий физик-кимёвий усуллар (EN 20354) ёрдамида,

овоз ютиш, ҳаво ўтказувчанлик (AP-360SM) хоссалари эса назарий ва амалий жиҳатдан ўзаро мутаносиблиги ҳамда амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, дағал жун толалари асосида сифатли тола олиш ҳамда янги турдаги нотўқима матолар ишлаб чиқиш, уларнинг физик-кимёвий хоссалари тадқиқ этиш, шунингдек, олинган нотўқима матоларнинг назарияси ва амалиётини ривожлантириш учун муҳим ўрин тутиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомшаё асосида янги турдаги нотўқима матолар олишнинг технологияси ишлаб чиқилган ва нотўқима матонинг қайишқоқ, қовушқоқ ва пластик деформациясини назарий таҳлил қилувчи, технологиянинг ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, нотўқима матоларни автомобиль саноатида шовқинни ютиш, шум изоляция сифатида қўллаш ҳамда ушбу нотўқима матолар амалиётга жорий қилишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жун толалари асосида олинган нотўқима матолар технологиясини ишлаб чиқиш мавсумдаги автомобиль саноати учун ишқаланишга чидамли, ҳово ўтказувчанлиги, шовқинни ютувчи матолар ишлаб чиқариш бўйича олинган илмий-амалий натижалар асосида:

Уч ҳил намунадаги нотўқима матолар ишлаб чиқариш технологияси “Жиззах жун” МЧЖ корхонасида ҳамда Олтинсой туманидаги “Хисора майин жун” МЧЖ корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган. («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2023 йил 7 мартдаги № ФБ 7/694-сонли маълумотномаси). Натижада дағал жун таркибидаги ифлосликларни тозалаш ва қайта ишлов бериш орқали техник жиҳатдан сифатли тола олиш ва унинг асосида юқори сифатли турли таркибдаги нотўқима матолар олиш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича жами 9 та илмий - амалий конференцияларда, шу жумладан 5 та халқаро, 2 та Республика илмий конференцияларида ва 2 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан 8 та хорижий, 2 та республика журналларида, 1 та монография чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 1 та дастурий таъминот учун гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти

асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Маҳаллий жун толасини олиш ва ундан тўқимачилик саноатида фойдаланиш ҳолатининг таҳлили”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар маълумотлари асосида дағал жун асосида нотўқима матоларни олинишини замонавий усуллари ҳамда қўлланилиши, жаҳонда ва республикамизда нотўқима матолар олиниши ва уларни автомобиль саноатида қўлланилиши, шунингдек, ишқаланишга чидамлилиги, шовқинни ютиш хусусияти, ҳаво ўтказувчанлиги, юқори иссиқлик сақловчи хоссаларга эгаллиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Дағал жун толаси асосида нотўқима матоларнинг физик-кимёвий хусусиятларини, шунингдек, уларнинг таркибини замонавий физик-механик усуллар билан ўрганиш бўйича адабиёт маълумотлари тизимлаштирилган ҳамда бу тадқиқотлар истиқболли йўналишлардан бири эканлиги тадқиқ этилган.


Диссертациянинг **“Маҳаллий дағал жун толаларни асосий хусусиятларини назарий ва амалий ўрганиш натижалари”** деб номланган иккинчи бобида қўлланилган толаларнинг хусусиятлари, тадқиқот усуллари ҳамда дағал жун толаларни физик-кимёвий хусусиятлари замонавий тадқиқот усуллари билан аниқланган. Дағал жун толаси асосида уч хил Н-1, Н-2 ва Н-3 турдаги нотўқима матолар олиш учун тадқиқот ўтказилди.

Ишлаб чиқариш шароитида жуннинг ингичкалиги, қалинлиги ва штапель узунлиги аниқланади, бунинг учун жуннинг турли қисмларидан 3-5 та штапель олинади. Иккала қўлнинг бош бармоғи ва кўрсаткич бармоғи билан навбатма-навбат учидан олинади, тўр ҳосил қилиш учун тўғриланади ва кўздан кечирилади, толаларнинг ингичкалиги, ингичкалиги бир хиллиги аниқланади.

Бир хил жуннинг ингичкалик синфини аниқлашда баъзан (келишмовчиликлар ва бошқалар билан) жуннинг мос ёзувлар намуналари қўлланилади. Жуннинг нозиклигини аниқроқ аниқлаш учун лаборатория усулидан фойдаланилади, бунда жун толаси кесимининг диаметри микроскоп ёки ланаметр остида аниқланади ва микрометрларда ифодланади.


Тажрибаларни натижасини олишда танланган қўй зотларидан олинган жун толаларининг ингичкалиги ва дағаллиги каби хоссалари РАМ-1 акустик курилмасида аниқланди (1-расм).

Юқоридаги таҳлиллар асосида кўринадикки, бугунги кунга қадар Хисори ва Қорақўл зотли қўйлардан олинган жун толаларининг хосса кўрсаткичларини уларни ҳаридоргирлигини таъминламоқда. Шунинг ҳам инobatга олиш лозимки, маҳаллий зотли қўйлардан олинган толалардан ҳам кенг ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин.



1-расм. Турли зотли қўйлар жунининг узунлик ва ингичкалик кўрсаткичлари бўйича ўзгариши


Нотўқима матонинг қайишқоқ, қовушқоқ ва пластик босқич деформацияланиш хусусиятлардан келиб чиқиб, нотўқима матоларининг қайишқоқ, қовушқоқ-қайишқоқ, қовушқоқ-пластик модулларини ўзгаришини аниқлаш бирмунча бир хил, матонинг қовушқоқлик хусусиятлари деформациянинг барча босқичларида намоён бўлади. Тажрибалар орқали айтганда, қайишқоқ ва қайишқоқ-пластик деформацияланиш босқичида қайишқоқ деформация ҳам иштирок этади, шунинг учун ушбу модулларнинг барча номларини нотўқима матоларининг деформацияси модули умумий номи остида бирлаштириш таклиф қилинди.




2-расм. Нотўқима мато № 1 нинг узунлиги бўйича чўзилишдаги деформация модулининг нисбий деформацияга боғлиқлиги

Ушбу деформация модулидаги ўзгариш жараёни жун, оқсил асосидаги елим (кукун) турли таркибига эга бўлган нотўқима матоларнинг ҳар уч намунаси учун сифатли равишда такрорланади (2-4-расм). Бироқ, жун таркибининг кўпайиши билан деформация модулини  $E$  ўзгартириш жараёни янада аниқроқ бўлиб  $E(\epsilon)$  яқинлашади 2-3-4-расмда кўрсатилган боғлиқликлар

$E(\varepsilon)$  экспериментал қонунлардан олинган  $F(\varepsilon)$  бизга узунлиги бўйича чўзилишдаги нотўқима матонинг деформация босқичлари чегараларини аниқлаш имконини беради. Ушбу қисм бутунлай қайтарилувчи ҳисобланиб, шу ерда материал қайишқоқ деформацияланади.



**3-расм. Нотўқима мато № 2 нинг узунлиги бўйича чўзилишдаги деформация модулини нисбий деформацияга боғлиқлиги**



**4-расм. Нотўқима мато № 3 нинг узунлиги бўйича деформация модулининг нисбий деформацияга боғлиқлиги**

$E_*$   $E_m$  қисмда деформацияни  $\varepsilon_*$  дан  $\varepsilon_m$  гача ўзгартирилганда чўзилишда зичланиш жараёни давом этади ва  $E$  қиймати ошади. Ушбу қисмда деформация жараёни қайтувчи бўлиб, ва мато қайишқоқ равишда деформацияланади.  $\varepsilon = \varepsilon_m$  да  $E = E_m$  қийматига эришгандан сўнг, деформация модули қиймати  $E_m$   $E_k$  қисмда  $\varepsilon = \varepsilon_m$  дан  $\varepsilon = \varepsilon_k$  гача деформацияланиш қийматлари туша бошлайди.  $\varepsilon = \varepsilon_k$  да нотўқима матонинг йиртилиши содир бўлади. Нотўқима матонинг деформация қонунидан фойдаланиб, уни қуйидаги кўринишда қайта аниқлашимиз мумкин.

$$\frac{d\sigma}{dt} + \sigma \frac{E_D(\varepsilon)}{E_S(\varepsilon)} \mu(\varepsilon) = E_D(\varepsilon) \frac{d\varepsilon}{dt} + \mu(\varepsilon) E_D(\varepsilon) \varepsilon \quad (1)$$

Аввал статик деформация жараёнини кўриб чиқамиз, яъни  $d\varepsilon/dt \approx 0$  ни қабул қиламиз. Унда (1) тенглама қуйидаги кўринишни олади

$$\frac{d\sigma}{dt} + \sigma \frac{E_D(\varepsilon)}{E_S(\varepsilon)} \mu(\varepsilon) = \mu(\varepsilon) E_D(\varepsilon) \varepsilon \quad (2)$$

Бундан ташқари,  $E_S(\varepsilon)$  кўрсаткичи маълумлиги,  $\varepsilon = \varepsilon_k$  ёки  $\varepsilon = \varepsilon_m$  2-4-расмда келтирилган натижаларга мувофиқ келади деб ҳисоблаймиз. бўйича  $E_D(\varepsilon) = \gamma E_S(\varepsilon)$  ва қиймат  $\gamma = 2$  га тенг деб ҳисоблаймиз, шунингдек,  $\mu(\varepsilon)$  параметри қиймати  $\varepsilon = \varepsilon_m$  ёки  $\varepsilon = \varepsilon_k$ ,  $E_S = E_m$  ёки  $E_k$  белгиланган деформация қийматлари учун маълум ҳисобланади.

Унда тенглама (2) қуйидаги кўринишга келади.

$$\frac{d\sigma}{dt} + \mu \gamma \sigma = \mu \gamma E_S \varepsilon_m \quad (3)$$

(3) ни интеграллаб қуйидагини оламиз

$$\sigma = E_m \varepsilon_m (1 - e^{-\mu \gamma t_m}) \quad (4)$$

$\varepsilon = \varepsilon_k$  ва  $E_s = E_k$  нукталар учун

$$\sigma = E_k \varepsilon_k (1 - e^{-\mu \gamma t_k}) \quad (5)$$

(4) ва (5) формулалар нотўқима матога берилаётган юк қийматини аниқлашга имкон беради, бунда нотўқима мато қайишқоқ деформацияга учрайди, яъни юк олингандан сўнг материал тўлиқ дастлабки ҳолатга қайтади.

Кўрсаткичлар  $\varepsilon_m = 12\%$  ёки  $\varepsilon = 0,12$  бўлганда  $F_m$  (4) формула бўйича  $F_m = 15,8 \text{ Н}$  га тенг бўлади. Бунда  $\gamma = 2$  ва  $\mu = 10 \text{ с}^{-1}$  деб қабул қилинган.  $\gamma$  ва  $\mu$  параметрлари шу кўрсаткичларида, (5) бўйича  $\varepsilon_k = 1,3$  ва  $E_k = 46 \text{ Н}$  бўлса  $F_k = 47,1 \text{ Н}$  ни оламиз. Бу 4-расмдаги диаграмма бўйича  $F_m$  ва  $F_k$  кўрсаткичлари мос ҳолда  $F_m = 15 \text{ Н}$  ва  $F_k = 47,28 \text{ Н}$  га тенг. Бу (4) ва (5) тенгламаларни нотўқима матони қайишқоқ деформацияланишини башорат қилиш учун лойиқлигидан далолат беради.

Шундан келиб чиқиб, нотўқима матони узунлиги бўйича чўзилишида деформация кўрсаткичи  $\varepsilon_m^{sp} = 17,5\%$  бўлса, нотўқима мато қайишқоқ деформацияланади. Эни бўйича чўзилганда эса қайишқоқ деформация  $\varepsilon_k^{sp} = 1,08\%$  деформацияда сақланади.  $E_s$  ва  $E_D$  деформация модули кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда, ҳамда  $\gamma$ ,  $\mu$  ва  $t_k$  кўрсаткичларини (4) ва (5) формулалар бўйича рухсат этиладиган юкни аниқлаш мумкин. Бунда нотўқима мато дастлабки шакли ва структурасини сақлаб қолади.

### 1-жадвал

#### Сирт актив модда турининг жун толасини ювиш сифатига таъсири

Ювиш эритмаси таркибидаги САМ тури	САМ концентрацияси, г/л	Дастлабки жун массаси, г	Жун толасининг узунлиги камайиши, %	Толанинг хўлланувчанлиги, мин		Жунни ювишдан кейинги массаси, г	Фарқи, %
				дастлабки	ювишдан кейинги		
САМ (анион актив - НП-1)	2	3,0	6	4	6 сек	2,72	9,33
	4					2,63	12,0
	6					2,59	13,6
	8					2,61	13,2
САМ (ноиноноген - превотсел В-ОФ)	2	3,0	12	4	9 сек	2,70	10,0
	4					2,62	12,6
	6					2,61	13,2
	8					2,61	13,2

Изох: сода концентрацияси 2 г/л,  $t=60 \text{ С}$ , вақт-35 мин.

Ювишдан мақсад жун толали матолардан ҳар хил турдаги чиқиндилар, табиий мой қолдиқлари, минерал чиқиндиларни чиқаришдан иборат. Ювиш

эритмаси таркиби сирт актив модда, сода ва бошқа эмулгировчилардан таркиб топган. Сода таъсирида тола таркибидаги қолдиқ ёғ-мум моддалар эрувчан ҳолатга ўтади, сирт актив модда бу эрувчан ҳолатга ўтган ёғ-мум моддаларни эмулгирлаб толадан чиқишини таъминлайди.

Маҳаллий жун толасини ювиш учун турли сирт актив моддалар ва совун эритмаларидан фойдаланилди. Ювиш сифати тола узунлигини сақланиб қолиши ва ҳўлланувчанлигини ортиши билан баҳоланади. Ювиш жараёнига нафақат сирт актив модда табиати, балки эритма рН муҳити ҳам таъсир этган бўлиши мумкин. Шунинг учун жараёнга рН таъсири ўрганилди.

Тажриба жараёнида ҳарорат айниқса жун толасининг киришувчанлигига, яъни ўлчамининг ўзгаришига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун жун толаларини ювиш сифатига ва ўлчамига жараён ҳарорати таъсири ўрганилди.

Тажрибалар натижалари 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Жун толасини ювиш сифатига ҳарорат таъсири

Ювиш ваннаси таркиби	Ҳарорат, °С	Дастлабки жун массаси, г	Жунни ювишдан кейинги массаси, г	Фарқи, %
Na <sub>2</sub> CO <sub>3</sub> 8g/l; САМ (анионоактив - сулфанол НП-1)- 8 g/l; совун-2,5 g/l	35-40	3,0	2,56	14,7
	45-50		2,57	14,3
	55-60		2,55	15,0
	60-65		2,54	15,3
Na <sub>2</sub> CO <sub>3</sub> -6 g/l; САМ (ноионаген превоцел В- ОФ)- 6 g/l; совун-2,5 g/l	35-40	3,0	2,56	14,7
	45-50		2,57	14,3
	55-60		2,53	15,6
	60-65		2,52	15,9


Ушбу жадвалда ҳароратнинг жараёнга таъсири яққол кўринади, яъни ҳарорат 55-60°С тенг бўлиб ювиш жараёни 35 минутдан кам бўлмаган ҳолатда жун толасининг сифат кўрсаткичлари ва масса камайишини минимал миқдорда бўлишига эришилади.

Диссертациянинг “**Автомобил саноати учун нотўқима матоларни тайёрлаш технологик тизимини такомиллаштириш ва олинган матоларни сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари**” деб номланган учинчи бобида жун толалари асосида автомобиль саноати учун олинган янги нотўқима матоларни ишқаланишга чидамлилигини, Мартиндале Абрсион Тестер (М 235/3), шовқинни ютиш коэффициенти (EN 20354), ҳаво ўтказувчанлик (АР-360СМ) ва узуш кучи ва узилишдаги узайиши “АГ-5” таҳлил усуллари ҳамда универсал синов машинаси каби замонавий экспериментал тадқиқот усулларидан фойдаланиб уларнинг физик-механик хоссалари тадқиқ этилган.

Тадқиқот қилинган янги нотўқима матолар асосида автомобиль саноати учун янги нотўқима матоларни тайёрлаш тартиби ва хомашёлар таркиби 3-жадвалда келтирилди.

**Н-1 1300 г/м<sup>2</sup> даги янги автомобиль саноати учун қўлланилган  
нотўқима мато таркиби**

№	Хомашёлар номи	Таркиби, мас. %
1	Маҳаллий дағал жун толаси	90
2	Оқсил асосида олинган табиий елим	9,2
3	Полиэтилин	0,8
4	Нотўқима мато	100



1- тойланган жун толасини титиш, 2-пневматранспорт, 3-тозалаш аралаштириш, 4-тараш жараёни, 5-монитор, 6-тахтлаш жараёни, 7,9-игна қадаш жараёни, 8-пресслаш жараёни, 10-тезлик, ҳарарот мониторинги, 11- иссиқ пресслаш барабани, 12- совутиш жараёни, 13-тайёр маҳсулот.

**5-расм. Нотўқима матолар ишлаб чиқаришнинг принциал технологик схемаси**

Такомиллаштирилган технологик тизимга кўра (5-расм) дағал жун толаси асосида нотўқима мато олиш учун “Жиззах жун” МЧЖ корхонасида Chine Iiseng (L-4) дасгоҳида олинди. 1-дағал жун толасини ювиш жараёни сирт актив моддалар сифатида аниоактив САМ - сулфанол НП-1, ионоген САМ - превоtsel В-ОФ ларда ювилиб ва керакли миқдорда қуришиб тойланган толани титиш жараёнига келтириб, тойни титиш жараёнида игна тишли барабан билан титилади, 2- пневматранспорт ёрдамида титилган толаларни тозалаш жараёнига узатиб берилади, 3-тозалаш жараёнида майда тола ва ифлосликлардан тозаланиб олинади ва шу қурилма аралаштиргич жараёнида толаларни аралаштириб беради, 4-тараш машинасига йўналтирувчи валян ёрдамида етказилади ва тараш машинаси толаларни бир текисда тараб штапель ҳолатга келтирилади, бир хил текисликка келтирилган толаларни 5-компьютерли монитор ёрдамида машинанинг тезлигини хом нотўқима матонинг қалинлигини стандарт асосида таъминлаб туради, 6-йўналтирувчи валян ёрдамида тахтлаш жараёнида белгиланган қалинлик асосида тахлаб беради, 7,9-тахланган хом матони игна қадаш машинасида бир-бирига параллел равишда бириктирилади ва игналар орасидаги масофа 1 см ни ташкил қилиб, игналар уч қисми қозиқ тишли бўлади. Биринчи ўтим игна қадаш машинасидан сўнг 8-пресслаш жараёнига ўтади ва иккинчи игна қадаш машинасидан бир-бирига параллел


равишда бириктирилади, 10-тезлик ва ҳарорат мониторингида машинанинг игна қадаш тезлиги ва пресслаш жараёнидаги барабанининг ҳароратини назорат қилади, 11-иссиқ пресслаш барабани ҳарорати 250-300°C бўлиб, хом нотўқима матонинг таркибидаги елимни эритиб пресслаб беради, прессланган 12-маҳсулот вакуумли совутиш механизми ёрдамида совутилади. Ҳосил бўлган маҳсулот рулонга ёпишиб қолмаслиги учун вакуумли совутгич ёрдамида совутилиб олинади. Совутилган нотўқима мато 13-рулон шаклда олинади.

Нотўқима матолар олиншида титиш тозалаш аралаштириш ва тараш машинаси ёрдамида 2-6 мм қалинликда игна қадаш машинаси ёрдамида толалар бир бирига қарши толаларни чалиштириб бириктирилади, таркибида 10 дан 30% гача игна қадаш елим аралаштириб пресслаш барабани ёрдамида прессланади, прессланган нотўқима мато совутиш бункеридан ўтказилди. Совутилган нотўқима матолар тайёр мато барабанига ўраб олинади. Олинган нотўқима матолар турли хил қалинликда нотўқима матолар олинган (6-расм).



**6-расм. Жун толаларидан олинган нотўқима матолар (автомобил саноатида ишлатиладиган нотўқима матолар)**


Нотўқима матолар уч хил намунаси 2,3-3,3-3,7 мм қалинликдаги тўқималар олинб, ишқаланишга чидамлилиги 7-8 кун давомида “М 235/3” Мартиндале асбобида синов ишлари олиб борилди. Синов натижасига кўра 90% жун толалари асосида нотўқима матолар ва намуна мато брезент тўқимаси билан тесқари ишқаланиш олиб борилади. Намуна доимий ўзгарувчан йўналишда 16 кПа босим остида намуна мато билан ишқаланади.



**7-расм. Нотўқима матоларнинг ишқаланишга чидамлилигини аниқлашнинг кунлар кесимида синов натижалари келтирилган**

90% жун толалари аосида олинган нотўқима малолар уч хил усули Н-1, Н-2, Н-3 намунадаги матолар синов натижалари 7-расмда келтирилган. 8 кун давомида Н-1, 1300 г/м<sup>2</sup> оғирлигида ишлаб чиқарилган игна қадаш, елим ва пресслаш орқали олинган нотўқима матоларнинг 16 кПа юк билан ишқаланиш давом этди. Ишқаланиш давомида 35100 минг цикл айланиш давомида пиллингланиш содир бўлди 38500 минг цикл айланиш давомида тешилиш кўрсаткичларини намоиш этди.

Синов натижаларига кўра автомобил саноатида ишлатиладиган игна қадаш елим ва пресслаш ёрдамида нотўқима матоларнинг шовқинни ютиш коэффициенти қийматлари EN 20354 Акустика қурилмаси ёрдамида ва ГОСТ 1050-98 стандартига мувофиқ 100-5000 Гц частота диапазон усули ёрдамида ўлчанди. Нотўқима матолар паст, ўрта ва юқори частотали диапазонларда ўлчаш учун 100 мм ва 30 мм диаметрларга кесилган.



8-расм. 90% жун толасига нисбатан 100 Гц дан 5000 Гц гача игна қадаш ва елим, пресслаш ёрдамида олинган уч хил турдаги нотўқима матоларнинг шовқинни ютиш хусусиятлари

Тажрибада кўришиб турибдики (8-расм) уч хил мато оғирлигида ишлаб чиқарилган игна қадаш ва елим, пресслаш ёрдамида нотўқима матоларнинг шовқинни ютилиш хусусиятларига мато вазнининг таъсири кўрсатилган. Шовқинни ютиш натижалари шовқинни ютиш коэффициенти бирлигида берилган. Игна қадаш, елим ва пресслаш ёрдамида нотўқима матоларнинг шовқини ютиш коэффициенти қийматлари 100 Гц дан 5000 Гц гача бўлган частота диапазонида ўлчанди. Кўришиб турибдики, барча елим ва пресслаш ёрдамида нотўқима матолар паст частотали диапазонда паст овозни ютиш коэффициенти эга.

Солиштириш мақсадида олинган нотўқима ва тажриба матоларимизнинг овоз ютиш коэффициенти паст овозда ҳам юқори овозда ҳам 15-20% овоз ютиши аниқланди ва автомобиль саноати учун шовқиндан сақлаш сифатида тавсия этилади.

Олинган намунадаги матоларни солиштириш мақсадида полипропилен толалари асосида олинган нотўқима мато билан ҳаво ўтказувчанлик солиштирилди ва мақбул варианты аниқланиб, тавсия этилди (4-жадвал ва 9-расм).

4- жадвал

**Жундан олинган нотўқима матонинг физик-механик хусусиятларининг ўртача кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичнинг номи	I Намуна (1300 г/м <sup>2</sup> )	II Намуна (1600 г/м <sup>2</sup> )	III Намуна (2200 г/м <sup>2</sup> )	Солиштирилган тўқима
1	Қалинлик, мм	2,3	3,3	3,7	3,7
2	Толавий таркиби	Жун	Жун	Жун	Полипропилен
3	Ҳаво ўтказувчанлиги см <sup>3</sup> /см <sup>2</sup> сек	133,6	129,3	126,7	40,3

Жун толаси ва полипропилен толалари орқали олинган нотўқима матолар ўзининг физик-механик хоссалари тўқималарнинг қалинлиги, ҳаво ўтказувчанлик полипропилен тўқимасига нисбатан жундан олинган нотўқима матоларимиз анча юқори.



9-расм. Янги жун толалари асосида автомобил саноати учун олинган нотўқима матоларнинг ҳаво ўтказувчанлик таҳлили натижалари

Тажриба натижалари ҳаво ўтказувчанлиги бўйича биринчи тўқима намунасида 133,6 см<sup>2</sup>/см<sup>3</sup>·сек; иккинчи тўқима намунасида 129,3 м<sup>2</sup>/см<sup>3</sup>·сек; учинчи тўқима намунаси 126,7 см<sup>2</sup>/см<sup>3</sup>, тўртинчи солиштира тўқима эса 40,3 см<sup>2</sup>/см<sup>3</sup>, секни ташкил қилди.

Олинган янги нотўқима матоларнинг ҳаво ўтказувчанлик таҳлили шуни кўрсатадики, биринчи тўқима намунасида (1300 г/м<sup>2</sup>) 133,6 см<sup>3</sup>/см<sup>2</sup>·сек; ҳаво ўтказувчанлиги бошқа тажрибадаги тўқималарга ва солиштира тўқимага нисбатан ҳаво ўтказувчанлиги яхши эканлиги аниқланди.

Нотўқима матоларини сифатини баҳолашда юза зичлиги ва ҳажмий зичликлари нотўқима матолар учун қўлланиладиган барча ГОСТ ва ТУлар да юза зичлиги ва ҳажмий зичлиги бўйича норматив параметрлар киритилган.

## Матоларнинг юза зичлиги ва ҳажмий зичликлари

Вариантлар	Юза зичлиги (гр/м <sup>2</sup> )	Ҳажмий зичлиги(кг/м <sup>3</sup> )
1- Намуна (1300м <sup>2</sup> )	1300	565,2
2- Намуна (1600м <sup>2</sup> )	1600	484,8
3- Намуна (2200м <sup>2</sup> )	2200	594,6
Солиштирма тўқима (2200м <sup>2</sup> )	2200	594,6

Олинган намунадаги матоларни юза зичлиги ҳамда ҳажмий зичлиги аниқланиб 1-намунадаги юза зичлиги 1м<sup>3</sup> да аниқланди ва оғирлиги билан бир хил чиқди ва бошқа намуналаримиз ҳам худди 1- намунамизга ўхшаб оғирлиги билан бир хил чиқди. Ҳажмий зичлиги мато оғирлигининг ҳажмига нисбати орқали аниқланди. 1-намуна ҳажмий зичлиги 565,2 кг/м<sup>3</sup> ташкил қилди, 2-намуна ҳажмий зичлиги 484,8 кг/м<sup>3</sup>, 3-намуна ҳажмий зичлиги 594,6 кг/м<sup>3</sup> ва солиштирма матонинг ҳажмий зичлиги 594,6 ташкил қилди. Натижалардан кўриниб турибдики, 1-намуна ҳажмий зичлиги солиштирма намунага яқин қийматга эга ҳамда оғирлиги жихатидан устунлиги аниқланди. Яъни, 1-намунанинг оғирлиги солиштирма ва бошқа намуналарга нисбатан енгил эканлиги исботланди.

Диссертациянинг “Жун нотўқима матоларни ишлаб чиқариш шартлари ва техник-иқтисодий самарадорлиги” деб номланган тўртинчи бобида техник-иқтисодий ҳисоб-китобларнинг натижалари ҳамда дағал жун толалар асосидаги автомобиль саноати учун янги нотўқима матолар олиш технологияси муҳокама қилинган.

1000 м<sup>2</sup> тонна нотўқима мато ишлаб чиқариш учун хомашё нархи

№	Н-1,1300 г/м <sup>2</sup> нотўқима мато	Хомашё нархи 1 кг учун, сўм	1000 м <sup>2</sup> нотўқима мато учун хомашё, кг	1000 м <sup>2</sup> нотўқима мато нархи (1000 м <sup>2</sup> )
1	Ювиш эритмаси	6 000	120	720000
2	Жун тола	4 000	1274	5096000
3	Кукунли елим	45 000	150	6750000
4	Полиэтилин	4 600	110	506000
<b>Жами:</b>				<b>13072000</b>

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижалари асосида, Термиз давлат университетида нотўқима мато олинган бўлиб, автомобиль саноати учун ишлатиладиган уч хил қалинликдаги нотўқима мато ишлаб чиқилди ва

технологияси ишлаб чиқилди. Дағал жун толаси асосида олинган янги нотўқима мато автомобиль саноати учун тавсия этилган технологик схеманинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, олинган нотўқима матоларнинг олиниши дағал жунни юмшатиб олинган толаларни титиш, тозалаш аралаштириш, тараш, игна қадаш ва юқори ҳароратда қиздириб елим билан бириктириш усулида нотўқима мато олиш технологияларни янада соддалашган тартибда олиб борилади. Бундан ташқари олинган нотўқима матолар асосан маҳаллий табиий жун толалар асосида олинади. Тайёр бўлган нотўқима мато ўлчаниб, тайёр маҳсулот сақлаш омборига ўтказилади ва қадоқлаб истеъмол бозорига тарқатилади.

Юқорида келтирилган 6-жадвалда кўриниб турибдики 1000 м<sup>2</sup> Н-1 1300 г/м<sup>2</sup> турдаги нотўқима мато ишлаб чиқаришда дастлабки хомашёнинг ўзи учун 13 072 000 сўм хомашё сарфланган.

#### 7-жадвал

#### 1000 м<sup>2</sup> нотўқима мато олиш учун (Н-1, 1300 г/м<sup>2</sup>) сарф харажатлар нархи

№	Номланиши	Нархи, сўм
1	Ишчилар маоши	1700000
2	Ягона ижтимоий тўлов 12%	204 000
3	Хомашё нархи	<b>13 072 000</b>
4	Қўшимча харажатлар (шу жумладан иссиқлик ва электр энергия учун)	1600000
5	Ювиш учун сув сарфи	1100000
5	Кўзда тутилмаган харажатлар	750 000
6	Фойда 10%	1 842 600
	Жами	<b>20 268 600</b>
7	ҚҚС 15%	3040290
	<b>Умумий</b>	<b>23 308 890</b>

7- жадвал бўйича 1000 м<sup>2</sup> Н-1 1300 г/м<sup>2</sup> турдаги нотўқима мато ишлаб чиқариш учун умумий нархи 23 308 890 сўмни (1000 м<sup>2</sup> 23308) ташкил этиши ҳисоблаб топилди.

Биз таклиф этаётган Н-1 1300 gr/m<sup>2</sup> нотўқима мато импорт ўрнини босувчи маҳсулот сифатида хар бир 1,0 м<sup>2</sup> нотўқима мато учун олинган иқтисодий самара:

$$\mathcal{E}_{\text{ум.}} = \mathcal{E}_{\text{п}} + \mathcal{E}_{\text{с}} = 80\,000 - 23\,309 = 56\,691 \text{ сўм}$$

Хар бир 1000 м<sup>2</sup> нотўқима мато импорт ўрнини босувчи мато бўлиб, импорт миқдорини камайиши ҳисобига ишлаб чиқаришда кутилаётган иқтисодий самара 56 691 000 сўмни ташкил этади.

### ХУЛОСА

1. Дағал жун толасининг асосий хусусиятлари ўрганилиб, ундан тўқимачилик ва автомобиль саноатида нотўқима мато сифатида фойдаланиш учун тавсия этилди.

2. Дастлабки ишлов бериш жараёнига технологик омиллар таъсири ўрганилган, дағал жун толаларини физик-кимёвий ишлов бериш орқали техник жиҳатдан сифатли бўлган автомобиль саноати учун нотўқима матолар олиш технологияси ишлаб чиқилди.

3. Тавсия этилган дағал жун толасидан тайёрланган нотўқима матонинг узунлиги бўйича чўзилишда деформация кўрсаткичи  $E_m=17,5$  бўлса, нотўқима мато қайишқоқ деформацияланиши аниқланди, эни бўйича чўзилганда эса қайишқоқ деформация 1,08% деформацияланиши аниқланди.

4. Нотўқима матони тайёрлаш технологиясини қуйидаги рационал параметрлари аниқланди: дағал жунни тозалаш 2БТ-150-Ш русумли титиш агрегати ёрдамида 15% гача чиқиндилардан тозаланади, ювиш жараёнига сирт актив модда САМ (анионоактив -сулфанол НП-1) 2 г/л хисобида қўшиш мақбул, эритма хароратининг 55-60°C тенг бўлиб ювиш жараёни 35 минутдан кам бўлмаган ҳолатда жун толасининг сифат кўрсаткичлари ва масса камайишини минимал миқдорда бўлишига эришилади.

5. Дағал жун толасидан тайёрланган нотўқима матонинг солиштирилган полипропилин матога нисбатан чўзилишдаги йиртилишигача ночизиқий хоссаларни намоён қилиши унинг структурасининг ўзгариши ҳисобига эканлиги аниқланди.

6. Дағал жун толасидан тайёрланган нотўқима матосининг хисори ва қорақўл қўй зотларидан олинган матолар, ҳамда полипрофилин матосига нисбатан рақобатбардошлилиги 98% ни ташкил қилди, чунки унинг юза фактураси, ишқаланишга чидамлиги, шовқин (овоз) ютиши, чўзилувчанлик, ҳаво ўтказувчанлик механик таъсирларга бардошлилик кўрсаткичлари бўйича устунлиги аниқланди.

7. Дағал жун толасидан тайёрланган нотўқима матосининг қалинлиги бўйича 2,3 мм ва ҳажмий зичлиги 565,2 кг/м<sup>3</sup> бўлган варианты тадқиқотлар натижасида бошқа вариантдаги нотўқима матоларга нисбатан барча сифат кўрсаткичлари бўйича мақбул эканлиги аниқланди, натижада автомобиль саноати учун ишлатишга тавсия этилди.

8. Тадқиқотлар натижасида олинган автомобиль саноати учун тавсия этилган нотўқима мато энг яхши эгилувчан материал бўлиб, нисбатан эластик ва маълум даражада кичик ўлчамдаги нотекислик хатоларини қоплаши мумкинлиги, ўз шаклини сақлаб қолиш қобилятига эгаллиги ва деформацияланган бўлса, уни осонгина асл шаклига қайтариш мумкинлиги, ҳаво ўтказувчанлиги яхши, бундан ташқари иссиқлик ўтказмайдиган, изоляция хусусияти ва овозни ютиш қобилятига эгаллиги таққослаш тажрибалари давомида аниқланди.

9. Дағал маҳаллий қўйларни жунидан тайёрланган нотўқима мато импорт ўрнини босувчи нотўқима мато хисобланиб, бундай матоларни четдан импорт қилинишини камайиши ҳисобига 1000 м<sup>2</sup> матога хисоблангандаги кутилаётган иқтисодий самара 56 691 000 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30/30.11.2021.Т.141.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АО «ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ»**

---

**ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ТОШБЕКОВ ОДИЛ АБДУЛЛАЕВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ НЕТКАНЫХ  
МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО ГРУБОШЕРСТНОГО  
ВОЛОКНА**

**05.06.02 - Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.4.PhD/T3342.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.paxtasanoatilm.uz](http://www.paxtasanoatilm.uz)) Научного совета при АО «Научном центре хлопковой промышленности» и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Урозов Мустафокул Култураевич  
кандидат технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Холиков Курбонали Мадаминович  
доктор технических наук, профессор  
Рахматуллин Фаррух Фаридович  
доктор философии по техническим наукам, доцент


**Ведущая организация:** Узбекский научно-исследовательский институт  
натуральных волокон

Защита диссертации состоится 2023 году «12» июня в 14<sup>00</sup> часов на заседании Ученого совета DSc.30/30.11.2021.T.141.01 при АО «Научном центре хлопковой промышленности». (Адрес: 100070, г.Ташкент, ул. Шота Руставели, 8. Тел.: (+99871) 207-04-03; факс: (+99871) 256-04-21; e-mail: [info@paxtasanoatilm.uz](mailto:info@paxtasanoatilm.uz) (здание АО «Научный центр хлопковой промышленности», 3 этаж, зал заседаний)).

С диссертационной работой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре АО «Пахтасаноат илмий маркази» (зарегистрировано за №14). Адрес:100070, г.Ташкент, ул. Шота Руставели, 8. Тел.: (+99871) 207-04-03.

Автореферат диссертации разослан «02» июня 2023 года.  
(протокол рассылки № 14 от «02» июня 2023 года.).



  
**Т.М.Кулиев**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученой степени, д.т.н., проф

  
**М.Р.Муминов**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученой степени, д.ф.т.н., м.н.с

  
**Р.К.Джамолов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученой степени, т.ф.д., проф

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире все больше расширяется отрасль натурального шерстяного сырья. Важным является рациональное использование из источников природного сырья, производственного и трудового потенциала регионов, дальнейшее повышение занятости, доходов и уровня жизни населения за счет быстрого развития промышленных отраслей. В последние годы благодаря поддержке текстильной отрасли нашим государством в нашей стране созданы современные текстильные предприятия, выпускающие качественную, конкурентоспособную продукцию. В результате стабильно растут объемы производства в отрасли и экспорте текстильной продукции, соответствующей международным стандартам.

В мире ведутся научно-исследовательские работы направленные на определение оптимальных параметров производства тепло и шумопоглощающих изделий с низкой себестоимостью при производстве готовых изделий из шерстяных волокон в текстильной и автомобильной промышленности. В связи с этим производство изделий из шерстяного волокна, эффективное использование его в потреблении, создание предприятий по первичной переработке шерсти, социально-экономическое развитие существенно отличаются от предыдущих этапов. В настоящее время особое внимание уделяется обострению конкуренции на международной арене, укреплению позиций каждой страны в международном распределении труда.

В республике имеется ряд возможностей для развития отрасли переработки шерстяного волокна, географических и экономических факторов и принимаются масштабные меры по производстве импортозамещающих продуктов переработки местного шерстяного волокна, их широкому применению и применению высокоэффективных техники и технологий. В Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» определены задачи, как «За счет восполнения существующих пробелов в производстве импортозамещающей продукции, производство промышленной продукции к 2026 году, а также текстильной промышленности увеличить объем производства продукции в 2 раза»<sup>1</sup>.

В реализации этих задач, в частности, большое значение имеет стремительное развитие отрасли животноводства, внедрение современных и инновационных методов, увеличение объемов производства и расширение видов продукции, а также непрерывное обеспечение населения качественной и дешевой продукцией животноводства, произведенной в местных условиях, и расширение предприятий, специализирующихся на продукции животноводства.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 8 июля 2021 года №ПП-5178 «О дополнительных мерах по

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

эффективному использованию действующих пастбищ и поддержке переработки шелка и шерсти в республике” и Указе Президента Республики Узбекистан от 30 октября 2019 года №УП-5863 “Об утверждении концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года”, а также в других нормативно-правовых документах принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** По технологии переработки, очистки, промывки и получения готовых продукций из шерсти за рубежом занимались ученые, как Хуан Цинсонг, Фань Хуэронг, Бахтияри М.И., Дюран К., Сидорсов В.И., Сердюков И.Г., Плеханов А.Ф., Липенков Я.Я., Аитова А.Н., Парсанов А.С., Николаенко Г.Р. и другие.

Научные исследования по переработке шерсти, технологии прядения, отделки шерстяных тканей, технологии и проблем производства костюмных тканей, нетканых материалов проводились с стороны ученых, как Набиева И.А., Кулметов М., Элмонов С.М., Юсупов С.А., Абдукаримова М.З., Хасанова М.Ш., Хамраев А.Л., Усманова Ш.АҚаюмов Ж.А., Назарова М.А., Исмоилов Ф.Б., Валиева З.Ф. и др.

В этих исследованиях недостаточно изучены разработка теоретических основ технологий создания высококачественного сырья, получения нетканых полотен и улучшения их физико-химических свойств, создания технологических режимов.

